

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/.30.01.2020.Ped.02.06 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

ОҚНАЗАРОВ ТЎЛҚИН ЖАЛИЛОВИЧ

**ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ ВИРТУАЛ ТЕХНОЛОГИЯЛАР СОҲАСИДАГИ
ИНФОРМАЦИОН КОМПЕТЕНТЛИЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи.

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд - 2022

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Оқназаров Тўлқин Жалилович

Ўқитувчиларнинг виртуал технологиялар соҳасидаги информацион
компетентлигини ривожлантириш 3

Оқназаров Тўлқин Жалилович

Развитие информационной компетентности преподавателей в области
виртуальных технологий 23

Oqnazarov Tolqin Jalilovich

Development of information competence of teachers in the field of virtual
technologies 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 47

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/.30.01.2020.Ped.02.06 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

ОҚНАЗАРОВ ТЎЛҚИН ЖАЛИЛОВИЧ

**ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ ВИРТУАЛ ТЕХНОЛОГИЯЛАР СОҲАСИДАГИ
ИНФОРМАЦИОН КОМПЕТЕНТЛИЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи.

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд - 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.4.PhD/Ped2814 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий Кенгаш веб саҳифасида (<https://www.samdu.uz/uz/pages/ixtisoslashtirilgan-kengashlar> ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ибраимов Холбой Ибрагимович
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Жўраев Хусниддин Олтинбоевич
педагогика фанлари доктори, доцент

Мустафоев Шомурод Нормуминович
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),
доцент

Етакчи ташкилот:

Қарши давлат университети

Диссертация ҳимояси Ш.Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.01.2020.Ped.02.06 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (0366)239-12-29, факс: (0366) 239-13-87, e-mail: kengash-pf@samdu.uz).

Диссертация билан Ш.Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (0366) 239-11-51).

Диссертация автореферати 2022 йил “_____” _____ кuni тарқатилди.
(2022 йил “_____” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

М.М.Махмудова
Илмий даражалар берувчи
Илмий Кенгаш раиси ўринбосари,
педагогика фанлари доктори, профессор

Ш.Р.Ураков
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш котиби,
пед.ф.б. фалсафа доктори (PhD)

Н.Ш.Шодиев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
педагогика фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон таълим тизимида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишнинг замонавий босқичи турли кўринишларда олиб борилмоқда. Асосий йўналиши ўқитувчилар тайёрлаш ҳисобланган олий таълим муассасалари битирувчиларнинг ахборот-коммуникация технологияларидан, хусусан, виртуал технологиялардан фойдаланишни мукамаллаштириш, доимий равишда ўз касбий даражасини ошириб бориш, замонавий ахборотлашган жамиятнинг ривожланиш тенденцияларига мосликни таъминлашга йўналтирилган таълим дастурларини жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Дунёда масофавий таълим шароитида ўқитувчиларнинг виртуал технологияларга оид компетентлигини ривожлантириш, малака оширишнинг билвосита шакллари жорий этиш, унинг касбий фаолият билан боғлиқ контентини такомиллаштириш, самарали виртуал таълим механизмларини ишлаб чиқишга оид амалий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ҳозирги вақтда педагог ходимларнинг дунё Интернет ахборот тармоғи, электрон таълим ресурслари ҳамда масофадан ўқитиш методлари асосида ахборот коммуникацион ва инновацион технологияларидан фойдаланишни ўзлаштириши, уларни таълим жараёнига татбиқ этиш компетентлигини ривожлантиришга йўналтирилган малака ошириш механизмларини такомиллаштириш масалалари долзарбдир.

Мамлакатимизда миллий таълим-тарбия тизимини замон талаблари асосида модернизация қилиш, ёшларни юксак билим-маърифат эгалари этиб тарбиялаш, таълим муассасаларининг педагог ходимлари нуфузини ошириш, уларнинг самарали фаолият юритиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш бўйича тизимли ислохотлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари сифатида «педагог ходимларнинг малака ошириш тизимини «хаёт давомида ўқиш» тамойили асосида такомиллаштириб бориш, электрон ресурслар ва масофавий таълимни янада ривожлантириш, таълим тизимига юқори самарали халқаро амалиётни жорий этиш» каби вазифалар белгиланган¹. Бу борада, виртуал технологиялари соҳасидаги информацион компетентлиликнинг тавсифий моҳиятини аниқлаштириш, унинг компонентлари мазмуни ва шаклланиш даражаларини тавсифлаш, масофавий таълим жараёнида ўқитувчиларда виртуал технологиялари соҳасидаги информацион компетентлигини ривожлантиришнинг дидактик тизимини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сон «Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги «Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6108-сон Фармони. 06/20/6108/1483

соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 19 февралдаги ПФ-5349-сон “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2021 йил 25 январдаги ПҚ-4963-сон “Халқ таълими соҳасидаги илмий-тадқиқот фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда узлуксиз касбий ривожлантириш тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Педагогларнинг маънавий-маданий ҳамда касбий тайёргарлиги ҳамда уларнинг касбий маҳоратига қўйиладиган талаблар Х.Абдукаримов, Н.Н.Азизхўжаева, М.О.Очилов; халқ таълими ходимларини малака ошириш тизимида таълим сифати бошқарувини такомиллаштириш Х.И.Ибраимов, О.Мусурмонова, М.Н.Нишанов, Б.С.Нуриддинов, Р.Ғ.Сафарова, Ж.Ғ.Йўлдошевлар томонидан тадқиқ этилган.

Мамлакатимизда кадрларнинг касбий тайёргарлигини турли аспектларда ривожлантиришга доир тадқиқотлар Р.Ҳ.Джураев, У.И.Иноятов, З.К.Исмаилова, Н.А.Муслимов, Қ.Т.Олимов, А.Р.Ходжабоев, Ш.С.Шарипов, Ш.Э.Қурбонов, М.Мирсолиева, М.Юлдашев ва бошқа олимларнинг ишларида ёритилган.

Таълим жараёнида ахборот коммуникацион технологияларидан фойдаланиш муаммоси бўйича МДҲда В.П.Беспалько, А.Г.Гейн, Г.М.Коджаспирова, Н.В.Папуловская, И.В.Роберт, Д.Д.Рубашкин, Г.К.Селевко, Е.С.Полат, А.Ю.Уваровларнинг тадқиқот ишларида, масофавий таълим технологиялари ва электрон таълим технологиялари А.А.Андреев, И.Г.Захарова, Е.С.Полат, И.В.Роберт, А.В.Хуторской, мамлакатимизда олимлардан А.Абдуқодиров, У.Бегимкулов, А.Ҳайтов, П.Шоймардонов, А.Ибрагимов ва бошқа тадқиқотчиларнинг ишларида кузатиш мумкин.

Хорижлик тадқиқотчилардан R.M.Bernard, R.Schmid, R.M.Tamim, F.K.Abrami, K.A.Wade, M.A.Surkes, R.D.Owsten, G.Alan, Chute & Kate M.Gulliver мазкур соҳада изланишлар олиб боришган.

Мазкур ишларда малака ошириш муассасаларида ахборот технологияларини ўқитиш методикаси ва методологиясини янгилаш ва ахборот коммуникация технологияларини касбий педагогик фаолиятида фойдаланишга тайёрлаш, замонавий ўқитувчиларни шакллантириш мазмуни тадқиқ қилинган ва унинг самарадорлигини оширишда ўзига хос усуллардан фойдаланиш назарда тутилган.

Ўрганилган назарий манбалар мазмуни билан танишиш, малака ошириш муассасалари фаолиятини ўрганиш ва таҳлил этиш, педагог кадрларнинг касбий тайёргарлиги сифатини ошириш ва такомиллаштириш муаммосининг долзарблиги, замонавий ахборот ва коммуникация технологияларини малака ошириш муассасаларининг ўқув жараёнига виртуал таълим тизимини жорий этишнинг республикамиз шароитида етарлича илмий асосланмаганлиги ва педагогик жиҳатдан тўлиқ тадқиқ қилинмаганлиги тадқиқот зарурлигини белгилади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг № SPed-01 рақамли “Узлуксиз таълимни ривожлантиришнинг замонавий стратегиялари” доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўқитувчиларнинг малакасини оширишни масофавий ташкил этишда виртуал технологиялар соҳасидаги инфор­мацион компетентлигини ривожлантиришга оид амалий-дидактик усулларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

виртуал технологиялари соҳасидаги инфор­мацион компетентликнинг тавсифий моҳиятини аниқлаштириш;

ўқитувчиларда виртуал технологиялар соҳасидаги инфор­мацион компетентлигининг компонентлари мазмунини ва уларнинг шаклланиш даражаларини тавсифлаш;

ўқитувчиларда виртуал технологиялар соҳасидаги инфор­мацион компетентлигини ривожлантиришда масофавий таълим имкониятларини очиб бериш;

масофавий таълим жараёнида ўқитувчиларда виртуал технологиялар соҳасидаги инфор­мацион компетентлигини ривожлантиришнинг дидактик тизимини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ўқитувчиларни виртуал технологиялар соҳасидаги инфор­мацион компетентлигини ривожлантириш нуқтаи назаридан малакасини ошириш жараёни белгиланган.

Тадқиқотнинг предмети – ўқитувчиларнинг масофавий таълим жараёнида виртуал технологиялари соҳасидаги инфор­мацион компетентлигини ривожлантириш мазмуни, шакл, метод ва воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот давомида муаммога доир фалсафий, психологик-педагогик, методик адабиётларни, электрон ўқув манбаларини ўрганиш ва назарий таҳлил қилиш; бўлажак ўқитувчиларни методик тайёрлаш, ўқитувчиларнинг малакасини ошириш бўйича таълим стандартлари, ўқув дастурлари, ўқув қўлланмаларининг таҳлили; сўровнома ва тест ўтказиш; синов; педагогика йўналишларида дарс бераётган ўқитувчилар, талабалар, таълим муассасалари маъмурияти билан суҳбатлар; ўқув жараёнининг бориши, ўқитувчилар, талабалар фаолияти мониторинги; электрон таълим контентини экспертизадан ўтказиш; ўқитувчилар ва талабаларнинг Web-портфолиосини мазмуни ва таркибини ҳамда

натижаларни математик-статистик таҳлил этиш каби илмий тадқиқот усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўқитувчиларнинг виртуал технологиялар соҳасидаги информацион компетентлигини ривожлантиришда масофавий таълим имкониятлари таълим ресурслари ҳамда ўқув материалларини тақдим этишнинг тармоқ ҳамкорлигига асосланган шаклларига кўра дидактик шартларга йўналтирилган таянч компетенциялари матрицасини (мазмун компонентлари, ташхисланадиган кўрсаткичлар) тузиш асосида кенгайтирилган;

виртуал-интеграциялашган таълим муҳитида ўқитувчилар касбий малакасини оширишнинг дидактик модели таълимни фаол ахборотлаштириш шароитида педагогик фаолиятга оид компетенцияларнинг кенг спектрга эга эканлиги сабабли ўқитувчиларнинг самарали касбий ривожланишига имкон берувчи шакл, усул ва воситалардан иборат методик тизимнинг ташкилий компонентларини (технологик таъминот, ўқув фаолияти шакллари, контент мазмуни, web-портфолиони кузатиш) белгилаш асосида такомиллаштирилган;

халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказининг интеграциялашган ахборот таълим муҳити тузилмаси виртуал методик бирлашма ишининг касбий муҳокама, маслаҳат, жамоавий ёрдамлар, биргаликда таълим фаолияти, қўллаб-қувватлаш, таълим мониторинги каби асосий функциялари асосида такомиллаштирилган;

интеграция шароитида методик тайёргарликни модернизациялаш йўналишлари мазмуни тажрибаларини ўрганиш, ўзлаштириш, ташкил этиш, натижаларни тақдим этиш, педагогик ечим ва таҳлил компонентларига кўра таълимий мақсад, методик тайёргарлик босқичлари, ахборот алмашинув жараёни иштирокчилари, фойдаланиладиган технологиялар ва ахборот ресурслари, ахборот алмашинув шаклларига кўра босқичлаштириш асосида очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ўқитувчилар малакасини масофавий таълим орқали амалга оширишда маълумотларини электрон шаклда алмашиш, ахборот таълим ресурсларини тармоқда жойлаштирган ҳолда уларга тақдим этиш, фойдаланишни ташкил этишнинг педагогик йўллари ишлаб чиқилган;

виртуал таълим муҳитида ўқитувчилар касбий малакасини оширишнинг дидактик модели ишлаб чиқилган;

малака ошириш жараёнида умумтаълим мактаблари ўқитувчиларини виртуал технологиялар соҳасидаги информацион компетентлигини ривожлантириш мақсадида электрон қўлланма <http://aktkom.sammoi.uz/> манзилига жойлаштирилиб, видеодарслар билан танишиш имконияти яратилди;

ўқитувчиларнинг виртуал технологиялар соҳасидаги информацион компетентлигини ривожлантирувчи электрон қўлланма яратилган, улардан ҳозирги вақтда амалиётда бевосита фойдаланилмоқда.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги психологик-педагогик ва методик фанлар; тадқиқот методикасининг мажмуавий тавсифи; ўрганиш

мақсадлари, вазифалари ва шартларига мос келадиган тажриба-синов ишларнинг мантиғи; қайд этувчи ва шакллантирувчи тажриба-синов ишлари; тадқиқот натижаларини синовдан ўтказиш; тажриба-синов маълумотларнинг намунавий ўлчамлари ва аҳамиятли ютуқлари билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шундан иборатки, у касбий педагогик таълим назарияси ва дидактикасига маълум бир маънода ҳисса қўшади. У ўқитувчининг виртуал технологиялари соҳасидаги инфор­мацион компетентлигининг интеграцион-касбий-шахсий характеристикаси сифатида моҳиятига ҳамда унинг тайёрлиги, касбий фаолиятида АКТдан мустақил фойдаланиш қобилиятига аниқлик киритган; ўқитувчини виртуал технологиялар соҳасидаги инфор­мацион компетентлигининг компонентлари ва уларнинг шаклланиш даражаси аниқланган ҳамда методика нуқтаи назаридан амалга ошириладиган ишларда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, “Ўқитувчилар фаолиятида виртуал технологиялар соҳасидаги инфор­мацион компетентлигини шакллантириш” модулли масофавий ўқитиш курси ишлаб чиқилиб, синовдан ўтказилган. Педагогларни аттестациядан ўтказиш ва АКТ компетентлигини баҳолаш учун ташхислаш материаллари тайёрланди. Таклиф этилаётган дидактик-методик ёндашувлар олий таълим муассасаларининг педагогика ихтисосликлари талабаларини тайёрлашда ҳам қўлланилиши мумкин. Шу билан бирга, “Ўқитувчилар фаолиятида виртуал технологиялар соҳасидаги инфор­мацион компетентлигини шакллантириш” модулли масофавий ўқитиш курсидан таълим сифатини ошириш жараёнида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўқитувчилар фаолиятида виртуал технологиялар соҳасидаги инфор­мацион компетентлигини шакллантириш бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари асосида:

ўқитувчиларнинг виртуал технологиялар соҳасидаги инфор­мацион компетентлигини ривожлантиришда масофавий таълим имкониятлари таълим ресурслари ҳамда ўқув материалларини тақдим этишнинг тармоқ ҳамкорлигига асосланган шакллари­га кўра дидактик шартларга йўналтирилган таянч компетенциялари матрицасини (мазмун компонентлари, ташхисланадиган кўрсаткичлар) тузиш асосида кенгайтирилган таклифлардан Ўзбекистон педагогика илмий-тадқиқот институти, Қорақалпоғисон филиалининг И-ХТ-0-19929-“Таълим қорақалпоқ тилида ўқитиладиган мактабларнинг 8-9 синфлари учун аниқ фанлар бўйича электрон дарслик ва методик тавсия иловасини яратиш ҳамда ўқув жараёнига жорий этиш (математика, информатика)” мавзусидаги инновацион лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг 2022 йил 7 апрелдаги 02-07-962/04-сон маълумотномаси). Натижада виртуал технологиялар соҳасидаги инфор­мацион компетентликнинг тавсифий моҳиятини аниқлаштириш имкони яратилган;

виртуал-интеграциялашган таълим муҳитида ўқитувчилар касбий малакасини оширишнинг дидактик модели таълимни фаол ахборотлаштириш шароитида педагогик фаолиятга оид компетенцияларнинг кенг спектрга эга эканлиги сабабли ўқитувчиларнинг самарали касбий ривожланишига имкон берувчи шакл, усул ва воситалардан иборат методик тизимнинг ташкилий компонентларини (технологик таъминот, ўқув фаолияти шакллари, контент мазмуни, web-портфолиони кузатиш) белгилаш асосида такомиллаштирилган таклифлар Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган ПЗ-2017927124 рақамли “Таълим муассасаларида ҳамкорлик педагогикаси асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш” номли амалий лойиҳа доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг 2022 йил 7 апрелдаги 02-07-962/04-сон маълумотномаси). Натижада ўқитувчиларда виртуал технологиялар соҳасидаги информацион компетентлигининг компонентларимазмунини ва уларнинг шаклланиш даражаларини тавсифлашга эришилган;

халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказининг интеграциялашган ахборот таълим муҳити тузилмаси виртуал методик бирлашма ишининг асосий функцияларини (касбий муҳокама, маслаҳат, жамоавий ёрдамлар, биргаликда таълим фаолияти, қўллаб-қувватлаш, таълим мониторинги) таснифлаш асосида такомиллаштиришга оид тавсиялар Ўзбекистон педагогика илмий-тадқиқот институти, Қорақалпоғистон филиалида бажарилган И-ХТ-0-19929–“Таълим қорақалпоқ тилида ўқитиладиган мактабларнинг 8-9 синфлари учун аниқ фанлар бўйича электрон дарслик ва методик тавсия иловасини яратиш ҳамда ўқув жараёнига жорий этиш (математика, информатика)” мавзусидаги инновацион лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг 2022 йил 7 апрелдаги 02-07-962/04-сон маълумотномаси). Натижада ўқитувчиларда виртуал технологиялар соҳасидаги информацион компетентлигини ривожлантиришда масофавий таълим имкониятларини очиб беришга эришилган;

интеграция шароитида методик тайёргарликни модернизациялаш йўналишлари мазмуни тажрибаларини ўрганиш, ўзлаштириш, ташкил этиш, натижаларини тақдим этиш, педагогик ечим ва таҳлил компоентларига кўра таълимий мақсад, методик тайёргарлик босқичлари, ахборот алмашинув жараёни иштирокчилари, фойдаланиладиган технологиялар ва ахборот ресурслари, ахборот алмашинув шаклларига кўра босқичлаштириш асосида очиб беришга оид тавсиялар Самарқанд давлат чет тиллар институтида бажарилган ОТ-Атех-2018-519 рақамли “Компьютер иммитацион моделлар асосидаги виртуал ресурсларни web-иловасини дастурий таъминотини яратиш” номли амалий лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг 2022 йил 7 апрелдаги 02-07-962/04-сон маълумотномаси). Натижада масофавий таълим жараёнида ўқитувчиларда виртуал технологиялар соҳасидаги информацион

компетентлилигини ривожлантиришнинг дидактик тизимини такомиллаштиришга шароит яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 31 та илмий иш эълон қилинган бўлиб, жумладан, ОАК тасарруфидаги журналларда 5 та, 3 та республика журналларида, 2 та мақола хорижий журналда нашр этирилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, 3 боб, 144 саҳифа матн, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти очиқ берилган, уларни амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ва тузилмаси бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ўқитувчиларнинг виртуал технологиялари соҳасидаги инфор­мацион компетентлилигини ривожлантиришнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида ўқитувчининг виртуал технологиялар соҳасидаги инфор­мацион компетентлилиги тушунчасининг тавсифий аспекти қараб чиқилган. Ахборот коммуникацион технологияларини тезкорлик билан ривожланиши ва уларнинг таълим жараёнидаги аҳамиятининг ўсиши таълим тизимига ёндашувни яхлит тарзда қайта кўриб чиқишни тақозо қилмоқда. Бугунги кунда энг долзарб вазифа янги шарт-шароитда таълимда дидактик назарияни татбиқ этилишини ривожлантириш ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда таълимда компетентли ёндашув концепциясини амалга ошириш асосий аҳамият касб этмоқда. У таълим ва ахборотлашган жамият ҳамда глобал оммавий коммуникация талабларига мос равишда таълим мақсадларини ва таълим мазмунини ўзгартириш учун асос бўлади. Мазкур ёндашув анъанавий таълим мақсад ва мазмуни ҳақидаги тасаввурларни жиддий равишда ўзгартиради. Кўпгина тадқиқотчилар фикрларига кўра компетентли ёндашувнинг асосий ғояси – расмий таълим тизимида ўзлаштирилган билимлар ва кўникмалар билан чегараланмаслик керак. Таълим тизимида самарадорликка эришиш учун мазкур билимлар инсон томонидан расмий таълим тизимидан ташқарида кенг спектрдаги ўзлаштирилган билимлар билан боғлаган бўлиши лозим.

“Компетенция” ва “компетентлик” тушунчалари “билим, кўникма, малака” тушунчаларига нисбатан кенг бўлиб, улар ўзида шахсга йўналтирилганликни (мотивация, қадриятларга мўлжални олиш ва шу

кабиларни), стереотипларни бартараф этишни, муаммоларни сезиш, қайишқоқ тафаккурга, маълум бир характерга (мустақил, меҳнатсевар, мақсад сари интилиш, иродавий сифатлар ва шу кабиларга) эга бўлишни намоён этади.

Ҳозирги вақтда компетентлик ва компетенцияларга тегишли атамалар шаклланиб бўлгани йўқ, кўпчилик тадқиқотчилар компетенцияларнинг муҳим тавсифларини, айнан уларнинг аниқ фаолиятдаги аниқ ҳолатларда намоён бўлишини ажратиб кўрсатишади. Компетенция уни аниқ амалга ошириш шартларидан айри ҳолда мавжуд бўлиши мумкин эмас. У билим ва кўникмаларни бир вақтда сафарбар қилиш ҳамда аниқ фаолият шароитида муомала усуллар билан узвий боғлангандир.

Тадқиқотимизнинг мақсади ўқитувчиларнинг ахборот коммуникацион технологиялари соҳасида компетентлигини ривожлантиришнинг педагогик шартларини назарий ва тажриба-синов орқали асосланишини аниқлаш бўлса, у ҳолда тадқиқот ишимизнинг энг муҳим вазифаларидан бири “виртуал технологиялари соҳасидаги ўқитувчининг компетентлиги” тушунчасига аниқлик киритишдан иборат бўлди.

Ўқитувчининг “виртуал технологиялар соҳасидаги компетентлиги”ни қуйидагича аниқлаштирдик: назарий билимлар, замонавий ахборот технологиялари ҳамда дастурий воситалардан фойдаланиш орқали касбий-педагогик фаолиятда амалий усуллар асосида таълимий муҳит муаммоларини ҳал эта олиш қобилияти – ўқитувчининг виртуал технологиялар соҳасидаги компетентлиги дейилади. Мазкур таъриф ўқитувчи фаолиятида зарурий билим ва касбий-педагогик қобилиятларни ўзида намоён этади. Ана шу тарзда аниқланадиган, ўқитувчининг виртуал технологияларидан компетентлиги, тизимли ёндашувга мос равишда ахборотлар оқими билан ишлашга мўлжалланган компонентлар орқали ифодаланади.

Педагогик таълимни модернизация қилишнинг асосий йўналишларидан бири – ўқитувчиларни педагогика фаолиятида виртуал технологиялардан фойдаланиш соҳасида узлуксиз тайёрлаш тизимини ривожлантиришдан иборатдир. Виртуал технологиялари ривожланишининг жадал суръатлари ўқитувчининг виртуал технологияларидан хабардорлигини яхшилаш учун янги ёндашувларни излашни талаб қилади. Шундай қилиб, педагогик таълимни модернизация қилиш дастурида ўқитувчиларнинг турли тоифалари учун янги ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида малака ошириш дастурларини яратиш зарурлигига эътибор қаратилади. Виртуал технологиялари соҳасида ўқитувчиларнинг малакасини ошириш нафақат компьютер билан ишлашга, балки умумий ўрта таълим мактаблари шароитида фанлардан дарс беришда янги иш услубларини ўзлаштиришга ўқитишни ҳам ўз ичига олади.

Малака ошириш курслари ўртасидаги ўқитувчиларни доимий равишда методик қўллаб-қувватлаш ва маслаҳатлар беришнинг амалда йўқлиги ҳам виртуал технологиялари соҳасида ўқитувчилар малакасини ошириш самарадорлигини пасайтирадиган жиддий муаммо ҳисобланади.

Масофавий таълим, биринчи навбатда, таълим муассасаларида машғулотларга бориш имконига эга бўлмаган, аммо амалиёт, мотивацияси бор ва малака оширишга муҳтож бўлган катта ёшлиларга қаратилган.

Масофавий ўқитиш махсус таълим усули бўлиб, таълимнинг муайян метод, восита ва шакллари билан фойдаланиш билан тавсифланади, шунинг учун масофавий таълимни замонавий таълим тизимида қўллашнинг муҳим шартлари ўқитувчиларнинг ахборот ва виртуал технологияларини пухта ўзлаштирган бўлишидир.

Малака оширишнинг тўлиқ шакллари билан фарқли ўлароқ, масофавий таълим кўшимча педагогик таълим муассасалари мутахассисларининг ҳам алоҳида тайёргарлигини талаб қилади. Ўқитувчининг виртуал технологиялар соҳасидаги билимларини шакллантириш ва ривожлантириш муаммоларини назарий ўрганиш натижалари асосида, тадқиқотимиз доирасида виртуал технологиялар соҳасидаги билимларини оширишга ёрдам берадиган бир неча педагогик шартларни назарий асослашни мақсад қилиб қўйдик.

Ҳозирги вақтда педагогика назариясида ўқув жараёни унинг таркибий элементлари, объектив ва субъектив омиллари таъсир қиладиган мураккаб тизим сифатида қаралади. Ҳар қандай дидактик тизимнинг самарадорлик омилларини тўртта шартли гуруҳга бўлиш мумкин: 1. Таҳсил олувчиларнинг шахсий фазилатлари билан белгиланадиган шартлар; 2. Ўқитувчининг шахсий фазилатлари билан белгиланадиган шартлар; 3. Ўқитувчи ва таҳсил олувчиларнинг ўзаро мулоқоти ҳамда алоқалари билан боғлиқ шартлар; 4. Педагогик жараёни ташкил этишнинг моддий-техник шартлари.

Малака ошириш таълим тизимида қўйилиши мумкин бўлган, талабларга мувофиқ, виртуал технологиялар соҳасидаги ўқитувчилар малакасини ошириш мазмунини модулли таркиблантиришни таклиф қиламиз. Модулли таълим масофавий ўқитишнинг зарур бўлагидир, чунки ўқитиш мазмуни, методлари, мустақиллик даражаси, таҳсил олувчиларнинг ўқув-билиш фаолияти суръати бўйича индивидуаллаштирилган таълим дастури сифатида гавдаланувчи модул ўқитувчиларнинг курсларга тайёргарлик самарадорлигининг ошишига имкон беради. Масофавий ўқитишда ўқитувчи модул билан ишлаш жараёнида ўқув-билиш фаолиятининг аниқ мақсадларига мустақил эришади. Виртуал технологиялар соҳасида ўқитувчилар малакасини ошириш мазмуни уларнинг назарий, методик ва амалий тайёргарлиги жараёнида амалга оширилади. Шунинг учун модулли таркибда учта муҳим блок ажратилган: илмий-назарий, методик ва амалий фаолият. Масофадан ўқитиш шароитида модулларда ифодаланган ва ўқитувчиларнинг назарий, методик ва амалий тайёргарлиги жараёнида амалга оширилган таҳсил мазмуни виртуал технологияларни қўллаш асосида касбий фаолиятда ўқитувчилар касбий маҳоратини оширишга кўмаклашади.

Мазкур бобда ўқитувчиларнинг виртуал технологиялар соҳасидаги инфор­мацион компетентлигини ривожлантириш технологиясини амалга оширувчи дидактик шартлар устида ҳам атрофлича фикр юритилган. Хусусан, биринчи дидактик шарт – ўқитувчи томонидан ўти­лаётган предметнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда курс тайёргарлиги мазмуни модулли

тузилмасини яратиш. Иккинчи дидактик шарт – малака ошириш таълим муассасалари ўқитувчиларини масофавий таълим бериш шароитида информацион компетентлигини ривожлантириш учун ўқитувчининг виртуал технологиялар соҳасидаги билимларини оширишга махсус тайёргарликдан ўтказиш. Учинчи дидактик шарт – ўқитувчининг АКТ соҳасидаги информацион компетентлигини ривожлантириш жараёнида лойиҳалаш технологияларидан фойдаланиш. Тўртинчи дидактик шарт – масофавий таълим жараёнида ўқитувчиларнинг информацион компетентлигини ривожлантиришда тармоқ ҳамкорлигини асосида ўқитувчилар малакасини узлуксиз тарзда ошириб боришни таъминлаш.

Умуман олганда, ўқитувчиларнинг информацион компетентлигини ривожлантириш – виртуал технологиялардан фойдаланиш соҳасида педагогларни мунтазам методик қўллаб-қувватлаш тизимини, шу жумладан, ўқитувчиларнинг инновацион фаолияти ва таҳсил олувчиларнинг ўқув фаолиятини қўллаб-қувватлаш тармоқли инфратузилмасини ўзида ифода этади.


Ўқитувчиларнинг виртуал технологиялар соҳасидаги информацион компетентлигини ривожлантириш, педагоглар малакасини узлуксиз ошириш муаммосини ҳал этиш масофавий таълимдан фойдаланиш билан бевосита боғлиқ бўлиб, у ишлаб чиқаришдан узилмаган ҳолда максимал даражада кўп педагог ходимларни виртуал технологиялар соҳасида малака оширишга жалб қилиш, малака ошириш курсларини ўташ вақтида ўқитувчиларни ўрин алмаштириш муаммосини ҳал этиш, ўқитувчининг касбий эҳтиёжлар ва вақтинчалик имкониятларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг индивидуал таълим олиш йўлини яратиш, масофавий таълим жараёнида ҳар бир педагогга ўз педагогик фаолиятида виртуал технологияларни қўллаш имкониятларини тушунишига кўмаклашишга имкон беради.

Диссертациянинг **“Ўқитувчиларда виртуал технологиялар соҳасидаги информацион компетентлигини ривожлантиришнинг дидактик хусусиятлари”** деб номланган иккинчи бобида виртуал-интеграциялашган таълим муҳитида ўқитувчилар касбий малакасини оширишнинг дидактик модели ҳақида алоҳида параграф устида атрофлича тўхталиб ўтилган.

Ўқитувчиларнинг информацион компетентлигини ривожлантириш учун касбий малакасини оширишнинг методологик тизимини ўзаро боғлиқ бўлган беш компонентли тўплам сифатида: мақсад, мазмун, метод, ташкилий шакл ва таълим воситалари кўриб чиқилган. Уни амалга ошириш жараёни босқичлар тўплами сифатида тушунилиб, улар мантиқий тўлиқлик, мақсадли созлаш, предметнинг аниқ мазмуни, ташкилий-методик таъминот ва натижаларни баҳолаш тартиблари билан тавсифланган (1-расм).

Методик тизимнинг мақсад компоненти таълимни фаол ахборотлаштириш шароитида ўқитувчиларнинг малакасини ошириш талабларини акс эттирадиган мақсадларни ишлаб чиқишни ўз ичига олади.

Ўқитувчиларнинг информацион компетентлигини ривожлантиришдаги ижодий ютуқлари электрон ахборот ресурсларини ишлаб чиқишни, электрон



1-расм. Виртуал таълим муҳитида ўқитувчилар касбий малакасини оширишнинг дидактик модели.

таълим технологияси ва масофавий таълим технологияларидан фойдаланишни, тармоқ таълим ташаббусларини амалга оширишни, web-портфолиони расмийлаштириш ва уни қўллаб-қувватлашни қамраб олади.

Масофавий таълим технологияларидан фойдаланган ҳолда “ҳалқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш маркази” интеграллашган ахборот таълим муҳити шароитида ўтказиладиган мажмуавий методик тадбирларга фаол таълим тармоғидаги: телекоммуникацион лойиҳалар, вебинарлар, Интернет-конференциялар, ўқитувчилар учун танловлар каби ташаббуслар киради.

Методик тизимнинг технологик компоненти “ҳалқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш маркази” интеграллашган ахборот таълим муҳити асосида ўқитувчиларнинг самарали касбий ривожланишига имкон берадиган шакл, метод ва воситаларни ўз ичига олади.

Ўқитувчилар информацион компетентлигини ривожланишини ўрганиш мониторинги – илғор технология сифатида кўриб чиқилиб, унинг ёрдамида таълим натижаларини аниқлаш, уларни тузатиш, баҳолашнинг объективлигини ошириши мумкин. Шунга мувофиқ, диссертацион тадқиқот ишимизнинг мониторинг тавсифи қуйидаги: баҳолаш мезони “ҳалқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш маркази” интеграциялашган ахборот таълим муҳити шароитида ўқитувчилар малакасини оширишнинг сифат ва миқдорий тавсифларини ўрганиш учун мезонлар мажмуасини аниқлаш имконини беради.

Ўқитувчиларда виртуал технологиялар соҳасидаги информацион компетентлигини ривожлантириш мезонлар мажмуасини аниқлаш имконини; режалаштириш, ташхислаш ва башоратлаш асосида ўқитувчиларнинг малакасини оширишни ривожлантиришга қаратилган мазмун, шакл, метод ва воситаларни асослашни ва танлашни назарда тутати; бошқарув, мониторинг давомида олинган маълумотларга асосланган бошқарув қарорларини қабул қилишни ўз ичига оладиган функцияларга асосланади.

Информацион компетентликни ривожлантиришдаги дидактик технологик шартлар – ҳалқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш маркази интеграциялашган ахборот таълим муҳити барча субъектлари фаолиятини мақсадли ҳамда тизимли равишда мувофиқлаштиришни таъминлайдиган, ўқитувчиларнинг доимий касбий ривожланишини қўллаб-қувватлаш ва самарадорлигини оширишга қаратилган ўзаро боғлиқ дидактик, технологик, ахборот тадбирларининг мажмуидир.

Тингловчиларни методик нуқтаи назардан тайёрлаш таркиби ва мазмунини ривожлантириш учун дидактик-технологик шартларни аниқлашда: электрон ва масофавий таълим технологияларидан замонавий таълим муаммоларини касбий нуқтаи назардан ҳал қилишга қодир мутахассисларга бўлган эҳтиёжлар; таълимни ахборотлаштириш шароитида ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлиги ва касбий-шахсий ривожланишининг янги сифат кўрсаткичлари; ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти билан умумтаълим муассасалари ижтимоий ҳамкорлиги асос сифатида етакчи ўринни эгаллаши ҳисобга олинди.

Ўқитувчиларни виртуал технологиялари соҳасидаги инфор­мацион компетентлигини ривожлантиришда iSPRING дастурининг им­кониятлари устида тўхталиб, ундан фойдаланиш методикаси очиб берилган. Мазкур мавзунини очиб беришда ўқитишнинг тўрт поғонали методидан фойдаланилган.

Диссертациянинг **“Педагогик тажриба-синов ишини ташкил этиш ва ўтказиш”** деб номланган учинчи бобда ўқитувчиларнинг инфор­мацион компетентлигини масофавий шаклда ривожлантиришнинг тажриба-синов ишларини ташкил этиш йўллари қараб чиқилган.

Тажриба-синов ишлари Тошкент вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази, Навоий вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази, Жиззах вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий марказлари ўқув жараёнига 2016-2017, 2017-2018 ва 2018-2019 ўқув йиллари давомида олиб борилди. Тажриба ва назорат гуруҳларида жами 734 нафар респондент қатнашди.

Тажриба-синовни ташкил этишда тадқиқот муаммоси бўйича илмий-педагогик адабиётларни таҳлил қилиш ва ўқитувчиларни касбий малакасини ошириш таълим тизимида масофавий ўқитишдан фойдаланишнинг амалий тажрибасини ўрганиш, масофавий таълим жараёнида ўқитувчиларнинг АКТ компетентлигини ривожлантиришнинг назарий шартларини аниқлашга, шунингдек, типик хато ва нуқсонларни тавсифлашга олиб келди.

Ҳар бир компонент: паст даража – педагогик фаолиятда АКТдан фойдаланишни ўргатишда, шунингдек, ўз касбий фаолиятида АКТдан фойдаланишда мотивнинг йўқлиги ёки яхши ифодаланмаганлиги; ўрта даража – ўқитувчи педагогик фаолиятда АКТдан фойдаланишни ўргатишдан, ўқув жараёнига АКТни жорий этишдан манфаатдор, аммо ўз касбий фаолиятида АКТдан фойдаланиш учун янги педагогик технологияларни мустақил равишда излашга тайёр эмас; юқори даража – ўқитувчи педагогик фаолиятда АКТдан фойдаланишни ўргатишдан манфаатдор, АКТ соҳасидаги билим ва тажрибасини талабалар ва ҳамкасбларига беришга тайёр, АКТни ўқув жараёнига жорий этишда ва АКТ ривожланишининг ҳозирги даражасига мос келадиган педагогик технологияларни топишда доимий қизиқишга эгалик билан баҳоланган. Ўқитувчиларнинг инфор­мацион компетентлиги компонентларини баҳолаш учун сўровномалар, тестлар ва ўқитувчилар фаолиятлари таҳлили ўтказилган.

Тажриба-синовнинг қайд этувчи босқичида олинган маълумотлар масофавий шаклда ўқитувчиларнинг инфор­мацион компетентлигини ривожлантириш бўйича тажриба-синов натижаларини масофадан таҳлил қилишни киритиш керак деган хулосага келишга имкон берди. Тажриба-синовнинг шакллантирувчи босқичини ўтказиш асосий муаммони аниқлашга имкон бериб, уни ҳал қилишда ечим муҳим аҳамиятга эгадир.

Тажриба-синовнинг босқичларидан олинган маълумотлар масофавий шаклда ўқитувчиларнинг инфор­мацион компетентлигини ривожлантириш бўйича тажриба-синов натижаларини масофадан таҳлил қилишни киритиш

керак деган хулосага келишимизга имкон берди.

Малака ошириш таълим тизимида ўқитувчининг АКТ компетентлигини шакллантириш бўйича тажриба-синов ишлари малака ошириш курсларида қатнашган тингловчилар гуруҳлари билан олиб борилди. Тажриба-синовда 67 ўқитувчи (3 ўқув гуруҳи) иштирок этди.

Биринчи гуруҳ – бу назорат гуруҳи (НГ). Назорат гуруҳида малака ошириш жараёни тингловчилари учун курс машғулотларини анъанавий равишда амалга ошириш шароитида (кундузги шаклда) амалга оширилди.

Бошқа иккита гуруҳ тажриба гуруҳи сифатида танланди: 1-ТГ, 2-ТГ; уларда, турли хил педагогик шароитларда, АКТдан фойдаланиш соҳасида ўқитувчилар тайёрлашнинг таклиф этилаётган модул дастури асосида амалга оширилди. Шундай қилиб, 1-ТГ тажриба гуруҳида аниқланган педагогик шароитларнинг бутун мажмуаси амалга оширилди. 2-ТГ тажриба гуруҳида иккита педагогик шартлар амалга оширилди, хусусан: масофавий ўқитиш шаклида модулли тузилма ва ўқув таркибини яратиш; ўқитувчилар малакасини ошириш жараёнида лойиҳалаштириш технологияларидан фойдаланиш.

Малака ошириш таълим жараёнида ўқитувчиларнинг АКТ компетентлигини ривожлантириш самарадорлигини баҳолаш учун АКТ компетентлиги компонентларини шаклланганлигини аниқлаш учун ташхислаш ишларини амалга оширдик.

1-жадвал.

Барча вилоятлар ўқитувчиларининг АКТ компетентлигини Мотивацион-кадриятли, Когнитив-операцион, Рефлексив-лойиҳалаштириш компонентини шаклланганлик даражалари:

Барча вилоят малака ошириш институтларидаги Мотивацион-кадриятли; Когнитив-операцион; Рефлексив-лойиҳаловчи ҳолатлари	Ўртача кўрсаткичи	Тажриба гуруҳлари				Назорат гуруҳлари			
		Тажриба бошида	%	Тажриба охирида	%	Тажриба бошида	%	Тажриба охирида	%
<i>Юқори</i>		92	25	150	41	90	25	111	30
<i>Ўрта</i>		108	29	165	45	109	30	130	36
<i>Паст</i>		168	46	53	14	167	46	125	34
ЖАМИ:		368	100	368	100	366	100	366	100



Олинган сонли маълумотларни математик-статистик таҳлил қилишда Стъудентнинг танлама мезони, К.Пирсоннинг мувофиқлик критерийси, Лаплас функциясидан фойдаланилди [66].

